

ЭХИНОКОКЭКТОМИЯ ОПЕРАЦИЯДАН КЕЙИН ЖАРРОХ ТАКТИКАСИНИ БАҲОЛАШ

Бўронов Салим Саидмуродович

РШТИЁМ Сурхондарё филиали Хирургия бўлими даволовчи шифокори

Email: salimboronov008@gmail.com

Аннотация: Ўшбу мақолада эхинококкоз касаллигида эхинококэктомия операциядан кейин жаррох тактикасини баҳолашда олиб борилган тадқиқот илмий ишларидан иборат. Бунда Сурхондарё вилояти РШТИЁМ Сурхондарё филиалида 2021-2023 йилда қабул қилинган эхинококкоз ташхис қуйилган беморлар касаллик тарихлари ретроспектив таҳлили қилинди. Қайталанган эхинококкоз касаллигининг турли шаклларида қолдиқ бўшлиқни йўқотиш ва ишлов беришнинг ишлаб чиқилган усуллари жорий этиш операциядан кейинги реалибитация даврини қисқартириш самарали натижалар берганини исботланди.

Калит сўзлар: Эхинококкоз, ретроспектив таҳлили, қорин бўшлиғи йиринглаши, реалибитация.

ОЦЕНКА ХИРУРГИЧЕСКОЙ ТАКТИКИ ПОСЛЕ ОПЕРАЦИИ ЭХИНОКОКЭКТОМИИ

Бўронов Салим Саидмуродович

РШТИЁМ Сурхандарьинский филиал Лечащий врач хирургического отделения

Аннотация: Статья представляет собой научные исследования, проведенные по оценке хирургической тактики после эхинококэктомии при эхинококкозе. Проведен ретроспективный анализ истории болезни больных с диагнозом эхинококкоз, поступивших в Сурхандарьинский филиал РШТИЕМ Сурхандарьинской области в 2021-2023 годах. Доказано, что при различных формах рецидивирующего эхинококкоза внедрение разработанных методов удаления остаточных пространств и обработки позволяет сократить период послеоперационной реабилитации.



Ключевые слова: Эхинококкоз, ретроспективный анализ, абдоминальное нагноение, реабилитация.

EVALUATION OF SURGICAL TACTICS AFTER ECHINOCOCECTOMY OPERATION

Boronov Salim Saidmurodovich

RSHTIYOM Surkhondarya branch Attending physician of the surgical department

Annotation: This article consists of research studies conducted in the assessment of surgical tactics after echinococcectomy in echinococcosis. A retrospective analysis of the medical history of patients diagnosed with echinococcosis admitted in the Surkhondarya branch of the Surkhondarya Region RShTIYOM in 2021-2023 was performed. In various forms of recurrent echinococcosis, the introduction of developed methods of removing residual space and processing has been proven to reduce the postoperative rehabilitation period.

Key words: Echinococcosis, retrospective analysis, abdominal suppuration, rehabilitation.

Муаммонинг долзарблиги: Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили дунёда вафот этган 50 миллион одамнинг 16 миллиондан ортиғи юқумли ва паразитар касалликлар туфайли содир бўлади. Ушбу касалликлар тоифаси 21-асрда инсоният ўлимининг асосий сабаби бўлиб қолмоқда ва турли мамлакатларда иккинчи, ба'зан эса биринчи ўринда туради.

ЖССТ маълумотларига кўра, “бугунги кунда инсон эхинококкози 1 миллиондан ортиқ инсонни зарарлаган ўткир паразитли касаллик бўлиб қолмоқда” Касалликни даволашда муайян ютуқларга эришилган бўлсада, эхинококкоз муаммоси ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Жаҳон адабиётига кўра, эхинококкоз учун операциядан олдинги асоратлар 20-25% ни ташкил қилади. Операциядан кейинги даврда турли хил асоратлардан ўлим даражаси 0,34% дан 0,5% гача. Такрорий эхинококкоз учун операциялар барча жарроҳлик аралашувларнинг 10% ни ташкил қилади. "эхинококкозни жарроҳлик йўли билан даволашнинг қийинчиликлари, шунингдек, жарроҳлик пайтида органларга, шунингдек, бутун организм учун зарарсиз бўлган қолдиқ элементларни зарарсизлантиришнинг самарали усулларининг йўқлиги билан





ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-5

боғлиқ". Шунинг учун, эхинококкоз касаллиги ташхислаш ва унинг асоратлари, шунингдек Ушбу касалликдан беморларни даволашда эхинококкэктомия операциясидан кейин махсус асоратларни камайтирадиган техник усулларни такомиллаштириш муҳимдир.


Жарроҳлигининг улкан ютуқларига қарамай, жарроҳлик аралашувларни амалга ошириш учун янги техник воситаларнинг жорий этилишига бугунги кунда, жигар эхинококкози билан операциядан кейинги эрта даврда жигарда қолдиқ бўшлиқни йиринглаш каби типик асоратлар тез-тез учраб туради. Ташқи йирингли ва билиар оқмаларнинг шаклланиши эса (10-24% ҳолларда). Бугунги кунда эхинококкозни даволашнинг ягона радикал усули жарроҳликдир, ammo унинг натижалари шифокорларни қониқтира олмайди. Операциядан кейинги асоратлар ва эхинококкоз касаллигини қайталаниши даражаси юқори бўлиб қолмоқда ва 17% дан 41% гача.

Адабиётлардаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, эхинококкоз касаллиги инсонларнинг энг хавfli паразитли касаллиги бўлиб қолмоқда, бунда инсон тана бўшлиғини даволаш ва бартараф этишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш, операциядан кейинги реабилитация ва асоратларнинг олдини олиш зарарланиш хусусияти ва бошқа омилларга боғлиқ бўлган, даволаш натижаларига таъсир этадиган, касалликнинг қайталанган шаклларини даволаш усулини танлаш асосий долзарб ва ҳал қилувчи муаммо бўлиб қолмоқда.

Тадқиқот мақсади: Эхинококкэктомия операциядан кейин жарроҳ тактикасини баҳолашдан иборат.

Текшириш усуллари ва материаллари: Олдимизга қўйилган мақсадга эришиш учун биз "Республикамизда паразитар касалликлар профилактикаси бўйича чора тадбирлар такомиллаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси ССВнинг 25.03.2005 йилдаги № 121 ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ 3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қароридан фойдаландик.

Тадқиқот мақсадини бажариш учун кукс ва қорин бўшлиғи эхинококкоз хасталиклари аниқланган касалликнинг ўрта оғир ва оғир босқичида бўлган 50 нафар беморлар олиб ўрганилди.





ISSN (E): 2181-4570 ResearchBib Impact Factor: 6,4 / 2023 SJIF 2024 = 5.073/Volume-2, Issue-5

Текширув Сурхондарё вилояти РШТИЁМ Сурхондарё филиалида 2021-2023 йилда қабул қилинган эхинококкоз ташхис қуйилган беморлар касаллик тарихлари ретроспектив таҳлили олиб борилди.

Тадқиқотимизда тиббиётнинг замонавий текшириш усуллари бўлган ултратовуш текшириш, рентгенологик, КТ, МРТ, лабаратор усуллардан: ИФА, ПЗР, қон биокимёвий таҳлиллари олиб борилган.

Тадқиқот натижалари: Қайталанган эхинококкозни жарроҳлик йўли билан даволаш усулини танлашни такомиллаштириш ушбу тоифадаги беморларнинг бевосита натижаларига таъсир кўрсатмай қолиши мумкин эмас. Операциядан кейинги яқин асоратлар частотаси текширувмиздаги беморларнинг таққослаганда деярли 2,6 мартага – 27,35%дан 11,3%гача пасайган. Қорин бўшлиғини йиринглаши – 9,1%дан 2,8%гача, операциядан кейинги умумий асоратлар ривожланиши 14,3%дан 7,0% гача камроқ кузатилиши белгиланди. Эрта реллапаротомия ва операциядан кейинги яқин даврлардаги ўлим кўрсаткичларининг ярми - 2,6дан 1,4%гача пасайгани аниқланди.

Узоқ вақтдаги қорин бўшлиғини йиринглаши текширувмиздаги 2 нафар (2,8%) беморда аниқланди.

Хулоса: Бажарилган кўп компонентли интраоперацион антипаразитли ишлов бериш усули қайтланувчи эхинококкоз касаллигининг асоратли шакллари жарроҳлик йўли билан даволаш шароитида операциядан кейинги эрта даврда қолдиқ бўшлиғининг адекват санациясини таъминлаш, ҳар хил асоратлар ривожланиши билан беморлар нисбатини 46,2%дан 10,7%гача камайтириш имконини берди.

Қайталанган эхинококкоз касаллигининг турли шаклларида қолдиқ бўшлиқни йўқотиш ва ишлов беришнинг ишлаб чиқилган усуллари жорий этиш операциядан кейинги реабилитация даврини қисқартириш, узоқ вақтли аъло ва яхши натижалар частотасини 34,9%дан 65,6%гача ошириш ва қоникарсиз натижаларни 47,6%дан 21,9%гача қисқартириш имкониятини берди.

